2014 йил 24 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (12.769)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

АШХОБОД, 23 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 23 октябрь куни расмий ташриф билан Туркманистонга келди.

Ашхобод шаҳрининг халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига Ўзбекистон ва Туркманистон давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган «Сердар» ҳукумат қароргоҳига йўл олди.

Дастурга мувофиқ расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 24 октябрь куни бўлиб ўтади. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланади.

**(ЎзА)**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

***Аввал хабар берилганидек, 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳакимов маъруза қилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари, барча даражалардаги ҳокимликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектларининг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Дастурнинг мақсади – демографик омилларни ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Мажлисда таъкидландики, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари ҳудудларни, хизматлар ва сервис соҳасини ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва пудрат қурилиш ишларини амалга ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларининг рўёбга чиқарилишини инобатга олган ҳолда, бандлик ҳудудий тузилмасининг даражасини ошириш ва такомиллаштиришга, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатлилигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида келгуси йилда ҳудудлар ва йўналишлар бўйича 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш ва 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади. Умуман олганда, дастурнинг бажарилиши 987,5 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишига кўмаклашади. Бунда таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир фаол ҳамда аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тармоқ дастурларини инобатга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилди. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг талабларига ва ушбу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидладилар. Дастур янги объектларни ишга тушириш, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ва улардан тўлароқ фойдаланиш, саноатда, қурилишда, хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, инфратузилмавий, коммуникацион ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш, касаначилик имкониятларини ривожлантириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобига зарур миқдорда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Раджабов Джўра Одилович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси штаб бошлиғи

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Джураев Муроджон Турдибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Жумабаев Ерназар Абдикадирович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони командири

### «Дўстлик» ордени билан

**Абраев Гайрат Рамазанович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Хен Эдуард Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Хожаназаров Сатбай Бектурсинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «Мардлик» ордени билан

**Равшанов Кенжа Кулдашевич** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи

**Эшбаев Баҳром Холбоевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

### «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Илхом Сайфутдинович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Бадалов Бекмурод Давлаталиевич** — Наманган вилояти Уйчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Байматов Хасан Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ўта мураккаб ва узоқ давом этувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

**Жуманиязов Мурат Айтмуханбетович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исмоилов Улуғбек Нематович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Қудратов Вахоб Холматович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

**Нуркулов Обиджон Алимжонович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

**Рахимов Бахтиёржон Йўлдашович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Самадов Жалол Мавлонович** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ташпулатов Рустам Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Гаффаров Комилжон Исраилович** — Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи

**Ғозибеков Тўлқин Ҳабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Джалалов Фарход Камалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Жуманазаров Мухторбек Маткаримович** — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Исмаилов Бахтиёр Тухтасинович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси экспертиза ва криминалистика бўлими катта эксперти

**Каримова Гулрух Расуловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тиббиёт бўлими катта инспектор-шифокори

**Саиткаримов Фахриддин Пазлитдинович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Тошпўлатов Қобил Абдумуротович** — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Хаклиев Валижон Бадалович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра доценти

**Шахакимов Шоасрор Шамурадович** — Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Кодиров Улугбек Мирзаевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бўлинма командири

**Мирзаев Ёқутжон Исроилжонович** — Фарғона вилояти Бағдод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Рашитов Маъруфжон Бахтиёр ўғли** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси инспектори

**Тангриев Жамшид Олимович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

**Умаров Неъматулла Асатуллоевич** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бошлиғи

**Худаков Кутлимурат Каландарович** — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ёнғин ўчирувчиси

**Шокиров Илхомжон Муродалиевич** — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 23 октябрь*

**Сайлов — 2014**

## ШАНХАЙДА БРИФИНГ

***Яқинда Шанхай шаҳрида жорий йил 21 декабрь куни Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларига бағишланган брифинг уюштирилди. Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Чжоушань шаҳрида ҳамда Чжэцзян провинцияси ташқи ишлар департаментининг вакиллари қатнашди.***

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қурилишининг асоси сифатида сайловларни очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида ўтказиш учун тўлақонли амалий ҳуқуқий пойдевор яратилгани қайд этилди. Сайловчилар сайлов округларининг тузилиши, комиссиялар таркиби, номзодларнинг рўйхатга олиниши, овоз бериш ва сайлов натижалари бўйича ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов комиссияларининг барча қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Умуман олганда, қонун талабларига тўла мувофиқ равишда сайловларнинг очиқлик ҳамда ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган мустақил комиссиялар тизимининг тузилиши Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ислоҳ этиш соҳасида эришган муҳим муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

Брифинг иштирокчиларининг эътибори Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга катта туртки берганига қаратилди. Жумладан, 2011 йилда сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган янгиликлар қаторида сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилашга, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани хусусида атрофлича фикр юритилди. Сайловлар жараёнида очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилгани таъкидланди.

**Чжэцзян провинцияси ташқи ишлар департаменти паспорт-визалар бўлими директори Ван Хонвэй** ҳар қандай давлат органлари аралашувисиз сайловлар ўтказилишини таъминлайдиган Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақомининг берилгани алоҳида эътиборга лойиқ жиҳат ҳисобланишини айтди. «Бу сайловларнинг демократияга монандлигини, очиқлиги ҳамда ошкоралигини кафолатлаш имконини яратади» деди у.

**Чжоушань шаҳар ҳукумати ҳузуридаги ташқи ишлар департаменти директори Фан Вэй** Ўзбекистоннинг аввалбошданоқ ўз зиммасига олган мажбуриятга, яъни қонун устуворлигига оғишмай риоя қилиб келаётганини эътироф этди.

— Сайлов кампаниясининг барча босқичида очиқлик ва шаффофлик таъминланиши ҳамда қонунчиликда кузатувчилар учун кафолатларнинг кўзда тутилгани, шубҳасиз, диққатга моликдир, — деди у. — Экология масалалари халқаро миқёсда умумбашарий муаммо бўлиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда экологик ҳаракатнинг ташкил этилиши ва унинг вакилларига миллий парламентда ўрин ажратилгани ҳам кишида чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотади.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

**• Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида адабий-бадиий анжуман ўтказилди. Ушбу тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ёш қаламкашлар ва журналистлар иштирок этди.**

**• «Ораста қизлар» кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган танлов Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Танлов мезонларига кўра, иштирокчилар Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.**

**• Термиз шаҳрида «Жамоатчилик назорати тизимида мустақил оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.**

**ЖАҲОНДА**

**• Кеча АҚШнинг Фредерик шаҳри аэропорти устида енгил моторли самолётнинг вертолёт билан тўқнашиб кетиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди, икки нафар оғир тан жароҳати олганлар зудлик билан касалхонага ёткизилди.**

**• Венгрия иқтисодиёт вазири телекоммуникациялар тўғрисидаги амалдаги қонунга интернетдан фойдаланганлик учун солиқ тўловини киритишни кўзда тутувчи ўзгартишни жорий этишни таклиф қилди. Бундан ташқари, Венгрия ҳукумати интернет-телефония, sms учун ҳам қўшимча солиқларни киритишни кўзда тутмоқда.**

Қиш — тайёргарликни ёқтиради

# КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Халқимизда «Қиш тайёргарликни ёқтиради», деган ҳикмат бор. Ушбу нақл унга амал қилган соҳа ходимларини белгиланган кузги-қишки чора-тадбирлар режасини яна бир бор кўздан кечириб, уларни муваффақият билан ниҳоялашга, мавсумни пухта ҳозирлик билан кутиб олишга ундайди.***







Маълумки, пойтахтимизда доимо эрта баҳор фаслидан бошлаб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилади. Жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилади.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2014-2015 йиллар қиш мавсумини талаб даражасида ўтказиш, шаҳар аҳолисига табиий газ, иссиқлик ва электр энергияси таъминотини бир меъёрда етказиб бериш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг барқарор ишлаши бўйича тезкор чора-тадбирларни белгилаш ҳамда қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш бўйича мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Албатта, қишга тайёргарлик борасида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, уларнинг вақтида ҳал этилишига эришиш лозим. Айниқса, шахсий хонадонларда истиқомат қилувчи аҳолининг қўлбола ясалган иситиш мосламаларини қўлламаслиги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масалаларига катта эътибор қаратиши муҳим аҳамиятга эга.

Хазонрезги фасли ҳисобланмиш куз фаслида жойларда хазонларни ёқиш ҳолатлари учрайди. Шаҳримиз ҳудудларида йиғилган чиқиндилар, қуриган ўтлар, хазонлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда уларнинг тутаб, атрофга ёқимсиз ҳид тарқатиши натижасида инсонларда турли аллергик хасталикларнинг қўзғалишига ҳам сабаб бўлади. Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш уйида, унинг атрофида, масканларда орасталикка жиддий эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир, жумладан, хазонлар ва ортиқча шох-шаббаларни махсус жойларга олиб бориб ташлаш керак.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш барчамизнинг бурчимиз эканлигини доимо ёдда тутайлик. Ушбу соҳада бирон-бир ҳолат ёки муаммо юзага келадиган бўлса Тошкент шаҳар Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошида фаолият кўрсатаётган **«1055» марказий диспетчерлик хизмати ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларда ташкил қилинган авария-диспетчерлик хизматларига мурожаат этишингиз мумкин.** Шу йўл билан соҳада юзага келган муаммоларни қисқа муддатда ҳал этиш имконияти юзага келади.

Бу борада жойларда амалга оширилаётган ўзига хос намунавий ишлар ҳақида газетамиз таҳририятига маълумот беришингизни сўраймиз.

Ислоҳотлар оқимида

# ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

***Юртимизда йилдан йилга ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, соҳа вакилларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Солиқ, божхона, электр энергияси ва бошқа бир қатор тўловларда имтиёзлар берилаётир.***

Тадбиркорлик субъектлари томонидан қилинган мурожаатларнинг қисқа муддатларда кўриб чиқилиши мажбурийлиги белгиланиб, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳимояланган. Яратилган қулай шароит натижасида юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ортмоқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча йўналишларида истеъмолчиларга манзур бўладиган маҳсулотлар тайёрланиб, замон талаблари даражасида хизмат кўрсатилаётир.

Аксарият тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўналишида бўладими, кўчмас мулк ёки уларга бўлган маълум бир ҳуқуқлардан фойдаланишни талаб этади. Албатта, тадбиркор ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини тегишли қулайликларга эга бўлган бино ёки иншоотда ташкил этади. Хом ашёси ёки тайёр маҳсулотини сақлашда кўчмас мулкларга эҳтиёж сезади. Хизмат кўрсатиш фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Хизмат кўрсатувчи корхона ўз мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида аҳоли учун маъқул бўлган жойда фаолият юритишни истайди.

Шундай экан, кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича хизматлар кўрсатиш тизимининг ривожланиши тадбиркорлик фаолияти истиқболи учун катта аҳамиятга эга.

Айни вақтда юртимизда кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича хизмат кўрсатиш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солиб келинмоқда. Мазкур қонун талабларига кўра риэлторлик фаолияти махсус лицензия асосида амалга оширилади. Риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг жавобгарлиги мажбурий суғурталанади. Бу эса кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимояланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент шаҳар филиали кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўз хизматларини кўрсатиб, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида филиал томонидан кўчмас мулк бозори иштирокчиларига жами 8 маротаба ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Бугунги кунга қадар 11 миллиард 317 миллион сўмлик кўчмас мулк савдолари ташкил этилди.

Жамиятимиз томонидан кўрсатилган хизматлар натижасида кўчмас мулклар сотиб олиб, мулкдор бўлган шахсларнинг аксарияти ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, янги-янги иш ўринларини яратмоқдалар.

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти ва унинг Тошкент шаҳар филиали риэлторлик хизматларини кўрсатишда тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ қулайликлар ҳамда уларнинг вақт ва маблағларини тежовчи имкониятлар яратишни режалаштирган.

**Н.ТОШПЎЛАТОВ,**
**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиали директори**

***Пойтахтимизда МДҲ мамлакатлари метрополитенлари, ушбу транспорт тури учун вагон, турли эҳтиёт қисм ва ускуналар ишлаб чиқарадиган йирик саноат корхоналарини бирлаштирган «Метро» халқаро ассоциацияси кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

# ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДА ЭНГ ЯХШИЛАРДАН БИРИ

Унда МДҲ мамлакатлари метрополитенлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Содиқов метронинг замонавий мегаполисларда энг қулай, ишончли йўловчи ташиш воситаси сифатида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Мустақиллик йилларида хавфсиз, қулай ва юксак хизмат кўрсатиш маданияти намунасига айланган Тошкент метрополитени «Метро» халқаро ассоциациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ташкилот фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбирда айни пайтда МДҲ мамлакатлари метрополитенлари кунига 16 миллионга яқин йўловчи ташиётгани, бу борадаги йиллик кўрсаткич эса қарийб 5 миллиард нафарни ташкил қилаётгани таъкидланди.

«Метро» халқаро ассоциацияси бош директори И.Ермоленконинг сўзларига кўра, барча метрополитенлар ҳаракат хавфсизлиги, юзага келадиган носозликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам маълумот алмашиб туради. Ассоциация аъзолари янги техник ишланма ва замонавий технологиялар билан таништириб борилади. Шу билан бирга, илғор тажрибалар янада оммалаштирилиб, ҳар томонлама ўрганилмоқда. Мажлисда МДҲ маконида энг яхши метрополитенлардан бири бўлган Тошкент метрополитени эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида фикр алмашилди.

Тадбирда «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси бошлиғи О.Худойқулов давлатимиз раҳбари томонидан соҳани янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводида метро вагонларини капитал таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари амалга оширилиши туфайли уларнинг хизмат кўрсатиш муддати 15 йилга етказилади. Пойтахт метрополитени эса тез орада ташқи ва ички дизайни яхшиланган, қулай ва юқори хавфсизлик тизимига эга янги вагонлар билан таъминланади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи фаолияти билан ҳам танишишади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИШБИЛАРМОНЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларини соҳага оид қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан таништириш, ёш тадбиркорларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериш ҳамда уларнинг фикр ва таклифларини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент шаҳар Адлия, Солиқ, Божхона, Иқтисодиёт, Статистика бошқармалари, Марказий банк, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасидан ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгашидан вакиллар ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожининг асосий омили бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кучга айлангани, бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлиб, экспорт кўлами кенгаяётгани таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида корхоналар томонидан рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ишбилармон доира вакилларига имтиёз ва имкониятлар бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилаётир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу қонунлар ижросини таъминлаш, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлардан уларни хабардор қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда муаммоларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этиб келмоқда.

Мазкур тадбирда ҳам тадбиркорларга соҳага оид янгиликлар, имтиёз ва енгилликлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Адлия, Солиқ, Божхона бошқармаларидан келган вакиллар ишбилармонларнинг саволларига батафсил жавоб қайтаришди.

— Бу галги йиғилишимизнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, бугун биз бир қатор ёш тадбиркорларни ҳамда эндигина бизнес фаолиятини бошлаётган ёшларни таклиф қилганмиз, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бегзод Ибрагимов. – Мақсадимиз уларни имтиёз ва имкониятлар, соҳага оид янгиликлар билан таништириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат. Бундай тадбирлар ёшларнинг ишбилармон бўлиб шаклланишида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етишида ҳамда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишида яхши самара беради деб ўйлаймиз.

Йиғилишда соҳа вакилларига имкониятлар яратиш, замонавий технологияларга асосланган, шу жумладан хорижий инвесторлар иштирокида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновация технологияларини жорий этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак бериш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Мутасадди ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган ёрдам тадбиркорларимизнинг янада барқарор ва мутаносиб ривожланишига, ташқи бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллашига, шулар асосида мамлакатимизнинг изчил иқтисодий ўсиши таъминланишига, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга замин яратади.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Депутатлар Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кейинги олти йил давомида мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Қонунчилик палатаси қўмиталари дастурнинг ижросини алоҳида назорат остига олган. Бунинг натижасида дастур барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Шу сабабли, дастур аҳолининг турли қатламлари ва кенг жамоатчилик доирасининг манфаатлари акс этган ноёб ҳужжатдир.

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар** партиянинг сайловолди дастурида, энг аввало, қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этдилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашув тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қулай тадбиркорлик муҳитининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Фракция ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дастурни кўриб чиқишда айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари меҳнат бозорини янада ривожлантиришнинг самарали омиллари сифатида бандликнинг турли шаклларини, айниқса, кичик бизнесни, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Имкон қадар қулай ишчанлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларига, истеъмол товарлари бозорида талабга эга ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш дастурларига мувофиқ иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнеснинг ролини янада ошириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш назарда тутилмоқда.

Қишлоқда, айниқса, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши **кейинги йилда 127,5 мингдан зиёд кишини иш билан банд қилиш имконини бериши** таъкидланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни олган ихтисослиги бўйича иш ўринлари билан таъминлашга урғу бердилар. Шу муносабат билан **бўш турган ва заҳираланган иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш** дастурнинг муҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини ошириш масалаларининг ҳал этилиши учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди. Ўзбекистон ХДП фракциясининг таклифига кўра, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши мунтазам равишда, ҳар ойда, тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадваллари асосида кўриб чиқилади ва тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Ишсизларнинг, шу жумладан, меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, мустақил тарзда ишга жойлашиш учун иш жойини танлашга доир бепул маслаҳатлар бериш ҳам назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу дастур бажарилишининг боришини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган мезонлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, дастурнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг вакиллари** улар ўз амалий фаолиятларида ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини тиклаш орқали бизнесга кўмаклашишга, ички истеъмол ва экспортнинг ошишини таъминлашга, ҳунармандчилик, сервис ва туризмни ривожлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилишларини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, асосан миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари бўлган минтақаларда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида оилавий тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир ишларни давом эттириш зарур.

Оилавий тадбиркорлик шароитида иш куни вақтини тузиб чиқишда ҳам, меҳнатни тақсимлашда ҳам фаолиятни ташкил этишнинг бошқа шаклида имкони бўлмаган оқилона қулайлик имконияти мавжуд, бу эса ёш болали аёллар ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган бошқа тоифадаги шахсларни ишлаб чиқаришга қисман жалб этиш имконини беради.

Бундай диққат-эътибор туризмни янада ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Фракция аъзоларининг ишончи комилки, ушбу соҳада кўплаб фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу соҳани ривожлантириш ҳисобига мазкур тармоқда иш билан банд бўлганларнинг сонини ошириш ва аҳоли даромадларини юксалтириш имконини беради.

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари** иш ўринларига катта эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини кўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жойлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракция вакилларининг ишончи комилки, инновацион технологиялар соҳасини ривожлантириш, касбга қайта йўналтириш ҳисобига ёшларни ишга жалб қилиш, шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш муҳим йўналишлардан биридир.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, амалдаги корхоналарни технологик жиҳатдан янгилашда юқори технологияларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратиш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам, хизматлар соҳасида ҳам инновацион технологиялардан кенгроқ фойдаланиш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркалари бандликка кўмаклашишнинг самарали усулидир. Ушбу ярмаркаларнинг мақсади иш излаётган фуқароларни таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништиришдан, шунингдек, уларга меҳнат бозори, ходимларга эҳтиёж сезаётган корхоналар, мавжуд бўш иш ўринлари асосида ишга жойлашиш, қайта таълим олиш имкониятлари тўғрисида энг тўлиқ ахборот тақдим этишдан иборатдир.

**Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар** дастурда мамлакатимизда кўплаб турдаги экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналарни ҳам, хусусий сектордаги корхоналарни ҳам ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилганлиги муҳим эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, хизматлар соҳасида янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари асосида бандлик масалаларини ҳал қилиш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга доир ишларни кенгайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарасини янада юксалтириш муҳимлиги ҳам қайд этилди. Уларнинг фикрича, ушбу нуқтаи назардан табиатни ифлослантиришни истисно этадиган технологиялардан янада тўлиқроқ фойдаланиш ва уларни жорий этиш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

Диққат, викторина давом этади!

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталарнинг ҳар сонида битта викторина саволи эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлоқ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми»** – **«Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

**Савол:**
**XIX асрда Тошкентнинг нечта дарвозаси бўлган?**

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

## Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

***Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.***

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Ҳисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчалик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

- **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055**

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод —254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Яшнобод — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

### ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Яшнобод — 291-87-83
Чилонзор — 277-19-72
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

***«Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади».***

Болалар спорти

# ЮКСАК ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ АВЛОД

Президентимиз Ислом Каримовнинг бу сўзлари бугун ҳаётимизда, ёшларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшлар тарбияси, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиб, бу жараёнда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида турли замонавий спорт иншоотлари, спорт майдонлари барпо этилиб, болаларнинг шуғулланиши учун барча шарт-шароит ва қулай имкониятлар муҳайё этилмоқда. Бу майдонлару спорт залларининг эртанги кун эгалари бўлмиш ёш ўғил-қизлар билан гавжумлиги қалбларни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 37-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам ана шундай шароит яратилган. Ушбу мактабда 427 нафар ўқувчи йигирмага яқин мураббийдан баскетбол, футбол, каратэ, велоспорт ва бадиий гимнастика йўналишлари бўйича маҳорат сирларини ўрганишмоқда.

Спорт мактаби директори Равшан Мамадалиевнинг айтишича, мактабнинг шотакан каратэ тўгараги мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасига кўплаб истеъдодли спортчиларни етказиб бермоқда. Бунда малакали мураббий Фозил Худойназаровнинг хизматлари катта. Ҳозир тажрибали мураббий қўл остида қирқ нафарга яқин ўқувчи яккакураш сирларини пухта эгалламоқда.

– Ҳозир ҳар бир мактабда спорт заллари мавжуд, – дейди ЎзА мухбирига Ф.Худойназаров. – Энг муҳими, уларнинг барчаси болалар билан гавжум. Ёшлар кенг имкониятлар ва яратилган шароитлардан оқилона фойдаланмоқда.

Шотакан каратэ тўгарагида маҳорат оширган Ойбек Мирвоҳидов, Муҳаммадали Раҳматуллаев, Самар Ҳамроев, Ҳасан Абдушукуров, Фаррух Омонов сингари ўқувчилар мамлакат биринчиликлари ва халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, О.Мирвоҳидов, М.Раҳматуллаев ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ўз вазн тоифасида уч йил давомида кетма-кет ғолиб бўлди. 2014 йили Сингапурда ташкил этилган халқаро турнирда Самар Ҳамроев ва Ҳасан Абдушукуров мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафида биттадан олтин ва кумуш, Фаррух Омонов бронза медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган ёш спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган доимий ғамхўрлик ва эътиборнинг самарасидир.

**Даврон СУННАТОВ**

# ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

***Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган ПараОсиё ўйинларида спортчиларимиз ҳозиргача йигирма иккита олтин, бешта кумуш ва тўртта бронза медалига сазовор бўлдилар.***

Айни кунларда Инчеонда қитъамизнинг қирқ икки давлатидан тўрт мингдан зиёд спортчи иштирокида ўтказилаётган ёзги ПараОсиё ўйинларида йигирма етти нафар паралимпиячимиз спортнинг енгил атлетика, дзюдо, сузиш, ўқ отиш турлари бўйича мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда.

Бунда айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори паралимпиячиларимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрланиши ва муносиб иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда.

Мусобақанинг сузиш баҳсларида ҳамюртимиз Дмитрий Хорлин бирйўла учта олтин медални қўлга киритди. У 50, 100 ва 400 метр масофага сузиш баҳсларида юқори натижа қайд этиб, ҳар уч йўналишда ҳам Осиё рекордини ўрнатди.

Яна бир вакилимиз Кирилл Паньков эса 50 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келди. Унинг эришган натижаси ҳам Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Мусобақа дастуридан жой олган енгил атлетика баҳсларида ҳамюртларимиз янада юқори натижаларни кўрсатмоқда. Жумладан, 800 метр масофага югуриш бўйича Фахриддин Ҳамроев Осиё рекордини янгилади. Ушбу масофага югуриш бўйича Дамир Пашаев бронза медали билан тақдирланди. Ядро улоқтириш баҳсларида Мавлонбек Ҳайдаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва Осиё рекордини ўрнатди. Диск улоқтириш бўйича Ҳусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижа қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади, ядро улоқтиришда эса кумуш медаль билан тақдирланди. 1500 метр масофага югуришда Маъруфжон Муродиллаев ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келди.

ПараОсиё ўйинларининг дзюдо беллашувларида чинакамига шижоат ва маҳоратини намойиш этган ҳамюртларимиз яна бир бор мутахассис ва мухлислар олқишига сазовор бўлдилар. Лондон паралимпиадаси кумуш медали совриндори Шариф Халилов (81 кг) муросасиз кечган беллашувларда эронлик Саид Нури Жаъфарий, япониялик Юсуке Хатсусе, таиландлик Рунг Чатфуенгни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна бир полвонимиз Феруз Саидов (73 кг) эса чорак финалда ҳиндистонлик Манохаран Янакираманни, ярим финалда япониялик Хидекацу Такахашини, ҳал қилувчи баҳсда эронлик Муҳаммад Али Шананини мағлубиятга учратди ва ПараОсиё ўйинлари ғолиби деб топилди.

Турнир якунида ҳамюртларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиёров, Шуҳрат Бобоев, Одил Тулендибоев, қизлар ўртасида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгишди ва уларнинг ғалабалари шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилди. Бундан ташқари, Гулруҳ Раҳимова кумуш, Ширин Шарипова бронза медали билан тақдирланди.

Ҳозирча Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида жами 31 (22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза) та медалини қўлга киритган ҳолда қирқ икки давлат вакиллари ўртасида бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ**

***Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Соғлом бола йилига бағишланган «Мўъжаз санъатнинг сеҳрли олами» деб номланган бадиий кўргазма очилди.***

2014 йил — Соғлом бола йили

# МЎЪЖАЗ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатни ривожлантириш, бу борадаги умрбоқий анъаналарни давом эттириш ва ёш истеъдод эгаларини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Кўргазмада миниатюрачи рассомлар Баҳодир, Беҳзод ва Шерзод Ҳожиметовларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Ушбу рассомлар ижоди серқирралиги ҳамда ўзгача нафосати билан эътиборни тортади. Она юртимизнинг бетакрор манзаралари, асрлар оша етиб келган миллий қадриятларимиз, замондошларимиз ва аждодларимиз сиймолари ўзига хос тарзда қоғоз, панно, лаган, қутича, томошақовоқ, локли металл ҳамда терида маҳорат билан ифодаланган.

Кўргазмадан ўрин олган саксонга яқин асар орасида «Мирзо Улуғбек», «Шарқона тўй», «Бобур» каби асарлар ўзининг нафис ва ёрқинранг чизгилари, композицион жозибаси билан томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

– Мамлакатимизда юртдошларимизнинг билим олиши, ўз қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Баҳодир Ҳожиметов. – Ушбу кўргазмада замондошларимизга диёримизнинг ўтмиши, бетакрор табиати, халқимизнинг ноёб қадриятларини тасвирий санъат орқали таништириш асосий мақсадимиздир.

**Фарида ИБОДОВА,**
**ЎзА мухбири**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **25 октябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 12-14, кундузи — 22-24 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25-27 ва 28 октябрь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

UZTELECOM

*Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5720 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5